



КПСС ПРОГРАММА ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИ МУҲОКАМАДА

МОҲИР БИНОКОРЛАР

Чиланзорда қўрқам турар-
жой биноларнинг бунёдга ке-
лишида «Крупнопанельстрой»
трестнинг коллектив муносиб
ҳисса қўшаётган. Ҳозир қурув-
чилар съездда меҳнат вах-
тасида ишлаб, ажойиб ютуқ-
ларни қўлга киритмоқда. Ҳар
бир қурувчи оширилган мажбу-
рийят олиб меҳнат қилмоқда.
Суратда: 1-СМУ бинокорлари-
дан (чапдан) Ф. Юсупов, Г.
Мансуров, А. Усмонов ўртоқ-
лар. Улар шу кунларда кун-
лик топширқларини 150—160
процент бажарётганлар.

А. Тўраев фотоси.



МАШИНАСОЗЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АСОСИДА БИРИНЧИ ЎН ЙИЛЛИКДА СА-
НОАТДА, ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИДА, ҚУРИ-
ЛИШДА, ТРАНСПОРТДА, ЮК ОРТИШ-ТУ-
ШИРИШ ИШЛАРИДА, КОММУНАЛ ХУЖА-
ЛИКДА КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. КОМПЛЕКС МЕХА-
НИЗАЦИЯЛАШ НАТИЖАСИДА АСОСИЙ
ОПЕРАЦИЯЛАРДА ҲАМ, ЕРДАМЧИ ОПЕРА-
ЦИЯЛАРДА ҲАМ ҚЎЛ МЕҲНАТИ ТУГАТИ-
ЛАДИ.

(КПСС Программасининг проектидан).

Электрлаштиришга оид тарихий асарлар

СССР Министрлар Совети ҳузу-
ридаги Бош архив бошқармаси, Ок-
тябрь революцияси ва социалистик
қурилиш Марказий давлат архиви
СССР Фанлар академиясининг Г. М.
Крижановский номидаги Энерге-
тика институти билан биргаликда
«Россиянинг электрлаштириш давлат
комиссиясининг асарлари» (ГОЭЛРО
Асарлари) деган ҳужжатлар тўпла-
мини босиб чиқармоқда. Бу асар-
лар тўрт томдан иборат бўлади.

Россиянинг электрлаштириш бўйича
давлат комиссиясининг фаолиятини
ақс эттирган биринчи тўплам ўт-
ган йилнинг охирида нашр қилин-
ган эди. Унда келтирилган ҳужжат-
ларда В. И. Лениннинг «ГОЭЛРО
плани»ни, яъни мамлакатимиз халқ
хўжалиги тараққиётининг дастлаб-
ки перспектив планини ишлаб чи-
қиш ва тузишдаги раҳбарлик роли
кўрсатиб берилган. Шунингдек бу
китобда саноат, қишлоқ хўжалиги
ва транспортда доир муҳим пробле-
маларни ўз ичига олган бир қанча
ахборот ҳамда докладлар босилган.

Тўпламнинг иккинчи китоби: мам-
лакатнинг шимолий районларининг
электрлаштириш масаласига бағиш-
ланган бўлиб, унда шу иқтисодий
районлар халқ хўжалигини план-
лаштиришнинг методик асослари
бритилган. Булардан ташқари, шимо-
лий районларнинг саноат корхона-
лари ва электр станцияларига оид
обозорлар, бу ернинг табиий бойлик-
лари ҳақидаги материаллар ҳам маз-
кур китобдан кенг ўрин олган.

ГОЭЛРО Асарларини ёзишда маш-
хур совет олимлари қатнашганлар.

Бу тарихий асарлар тўплами
мамлакатимизнинг саноати ва қиш-
лоқ хўжалигини ўрганишда муҳим
аҳамиятга эга бўлади.

И. АБДУЛЛАЕВ,

Қардошлар ёрдами

Бутуниттифоқ комсомол зарб-
дор қурилиш деб эълон қилин-
ган Оҳангарон цемент заводи-
нини бунёд этганлар орасида
мамлакатимизнинг турли бурча-
ларидан келган ватанпарвар ёш-
лар кўрпал топилади. Манз, Нико-
лаев шахридаги Носенино номи
заводида келган ўртоқ Ф. Михай-
лов бошлиқ пайвандчилар брига-
даси аъзолари. Улар бу ерга яқин-
да келишган. Пайвандчилар ҳалол
ва фидоикорона меҳнатлари туфай-
ли бинокорлар орасида ҳурмат қо-
мондирлар. Улар заводнинг бирин-
чи айланма печи блокни музда-
тидан беш кун илгари қуриб бит-
казишга муносиб ҳисса қўшди-
лар. Ҳозир иккинчи печь блокни
ини пайвандлаш ишлари амалга
оширилмоқда.

Бригадада тошир и қ л а р н и
140—150 процентдан о з а т и б,
КПССнинг наббатдаги XXII съезди
шарафига меҳнат совғаси тайёр-
лаётган ёшлар анча. С. Уминов, В.
Гусарь, Н. Гайдаенко, Б. Шер-
метьев каби ўртоқлар шулар
жумласидандир. Ўзбек қурувчи-
лари украинлик дўстларимиз-
нинг ўзaro ёрдамларидан беҳад
миннатдорлар.

Т. СОЙНАЗАРОВ,
бошқармасининг
коммунистик меҳнат бригадаси
аъзоси, «Тошкент ҳақиқати»
нинг штатсиз муҳбири.

Н. ГАНИХУЖАЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-
демияси Энергетика ва автомати-
ка институти директорининг
ўринбасари.



Коммунистик меҳнат коллектив номини олишга сазовор
бўлган Тошкент тепловоз депо сининг ишчилари ва инженер-
техник ходимлари КПСС XXII съездини меҳнатда юқори кўр-
саткичларга эришини билан ишончланишга аҳд қилганлар. Фо-
тограф М. Комлев ушбу суратни депонинг илгор сессарларидан
(чапдан) В. Каргапольцев, В. Андреев ва М. Бекмуродов ўр-
тоқлар ТЭЗ тепловозининг дизелини ремонт қилаётганлари-
да олган. Бу илгорлар ўз топширқларини ортинги билан ба-
жарётганлар.

Партия аъзоси деган номни қадрлаш керак

ОҲАНГАРОН, (ЎзТАГ). Ўзбекистон қочқаркаси —
Оҳангарон коммунистлари ва партиясиз меҳнаткашлари
КПССнинг Программаси ва Устави проектларини
эър қизиқиш билан ўрганишни давом эттириб, бу про-
ектларга ўзларининг конкрет таклифлари, қўшимча-
лари ва таклифларини киритмоқдалар.

9-шахтатдаги тозалаш завоидининг ишчиси коммунист
М. Пиримқулов КПСС Программасининг бешинчи
бўлимига қўшимча киритиб, коммунистнинг меҳнат
қилмай даромад олишига йўл қўйиб бўлмайди, деб
эътибори таклиф қилади.

Қўмир разрезининг экскаватор машинисти комму-
нист Х. Алиқулов партия жазосига эга бўлган партия
аъзоси жазо олган вақтида эгаллаб турган вази-
фасидан юқоридаги раҳбарлик лавозимига сайлани-
ш мумкин эмас, деган фикрни КПСС Уставида кўрсат-
тиб ўтгани зарур деб ҳисоблайди. У, Уставни қўйида-
ги жумла билан тўлдирганини таклиф қилади: «Партия
жазоси жазо берилган пайтдан бошлаб камида бир йил
ўтмасдан илгари олиб ташланмаслиги керак». Х. Али-
қуловнинг фикрига кўра, коммунист шу муддат мобай-
нида ўз ножиё ҳаракатини тўхатиб олганини ва ту-
залганини амалий ишлар билан исботлаб бериши мум-
кин.

КПСС Устави проектининг биринчи бўлимидаги сакки-
зинчи моддада бундай дейилган: «Ўзсиз сабаблар
билан уй ой мобайнида аъзолик вазосларини тўламаган
партия аъзолари ва кандидатлари бошлангич партия
ташкилотига муҳокама қилиниши керак». Очик разрез
партия ташкилотиди секретариатнинг ўринбасари планчи
инженер Н. Маностирская ана шу моддани Уставдан
чиқариб ташласа бўлади, деб ҳисоблайди. Унинг фик-
рича, бундай модданинг бўлишига ҳожаат йўқ, чунки
партияга илгор, онгли кишилар аъзо бўлиб қиради.
Баширти, партия аъзоларидан бирон киши Уставдаги
ўз вазифасига ҳилоф иш тутиб, аъзолик вазосларини
вақтида тўламаган тақдирда ҳам, унга нисбатан Устав-
нинг қўйидаги моддаси тадбиқ этилиши мумкин: «Пар-
тия аъзоси Уставда кўрсатилган вазифаларини бажар-
масанлиги ва бошқа ножиё ҳаракатлари учун жавоб-
гарликка тортилади...»

Автоматика бўйича янги конструкторлик маркази

ЧИРЧИҚ, (ЎзТАГ). Чирчиқ хи-
микларнинг ташаббуси, Ўзбеки-
стон ССР Халқ хўжалиги кенгаши-
нинг қарори билан Электроник
комбинатда автоматика бўйича
тажриба-конструкторлик бюроси
ташкил этилди. У, эксперимент
ишлари учун махсус цехга, яъни
жиҳозланган лаборатория ва каби-
нетларга, мутахассис химиклар,
механиклар, техникларнинг катта
шотага эга бўлган йиллик илмий
тадқиқот мусассаси бўлади.

Комбинат контрол-ўлчов асбо-
лари цехининг бошлиғи инженер
Е. А. Соколовский ЎзТАГ мух-
бири билан суҳбатда бундай деди:
— Партияимизнинг Программаси
проектида автомат цехлар ва кор-
хоналарга ўтиш ишлаб чи-
қаришни комплекс автоматлашти-
риш оммавий жиҳазларда амалга
оширилиши керак, дейилган. Ай-
тиш апаратлар ва агрегатларнинг
бошқаришни автоматлаштириш со-
ҳасида комбинатда ҳозирдаёқ кат-
та ишлар олиб боришмоқда. Ком-
бинатда автоматика бўйича таж-
риба-конструкторлик бюроси та-
шкил этилган, кун тартибига цех-
ларин ва умуман ишлаб чиқариш
иқлимини комплекс автоматлашти-
риш масаласи қўйилган.

Автоматика бўйича тажриба-
конструкторлик бюроси республи-
каимиз химия саноатининг бошқа
корхоналарининг ҳам комплекс ав-
томатлаштиришнинг илмий жиҳатдан
ишлаб чиқишининг маркази бўлади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 16 СЕНТАБРЬ, 1961 ЙИЛ.

Жамоатчилик асосида

Октябрь районидagi Иккинчи беш
йиллик маҳалласида коммунист ва
комсомол-ёшлар ҳамда кексалар та-
шаббуси билан ҳашарчилик қизғин
тус олди. Улуг Ватан уруши инва-
лиди Ж. Камолов ва кекса аёл Жу-
раеванинг уйлари ҳашар йўли
билан ремонт қилиб, тузатиб бе-
рилди. Шунингдек, маҳалла терри-
ториясида 1300 квадрат метрдан
ортиқ йўл, ариқ ҳамда кўприклар
ремонт қилинди.

Маҳалла жамоатчилигининг кучи
билан 250 ўринли клуб, озиқ-овқат
магазини, маҳалла комитетининг
изораси учун янги бино ҳамда чой-
хона қуриб битказилди.

О. НОРХУЖАЕВ.

Қурилишлар учун

Тошкентдаги 5-гитт заводидаги
фидокор коллективни съезддаги вах-
тада туриб ишлаб, янгидан-янги
меҳнат зафарларини қўлга кирит-
моқда. Коллектив ўтган ойда пла-
даги 1 миллион 50 минг ўринга 1
миллион 240 минг донга юқори си-
фатли пишқ ғишт тайёрлаб, қури-
лиш объектларига жўнатди.

Коммунистик меҳнат бригадаси
деган «шарафли» номин олиш учун
курашаётган ўртоқ Муртазо Жаббо-
ров бошлиқ бригада аъзолари ай-
ниқеа унумли ишлаб, яхши кўрат-
кичларга эриштирадилар. Ўлар ўтган
ойда топириқда нисбатан 58 минг
дона кўп ғишт тайёрлаган эдилар.
Сентябрь ойининг ўтган кунлари-
да ҳам мўлжалладиган бир неча
минг донга кўп ғиштин пиширини
учун тахт қилиб қўйдилар.

Г. ОРИПОВ.

Пропаганда ишлари қизитилмоқда

Сийбй ва илмий билимларни
тарқатуви жамиятининг Тошкент
област билими КПССнинг янги
Программаси ва Устави проектла-
ри муносабати билан областимиз-
нинг ҳамма жойларида пропаганда
ишларини янада жонлантириб
юборди.

Жамият олимлари, илмий ходим-
лар ва лекторлардан иборат мах-
сус гуруҳлар областимизнинг
турли районларида бўлиб, партия
Программасининг аҳамияти ҳақи-
да лекциялар ва савол-жавоб ке-
чалари ўтказмоқдалар. Жумладан,
Оржоникиде районидagi «Мада-
ният» колхозида яқинда худди
шундай кеча уюштирилди.

Бундай савол-жавоб кечалари
Калинин районидagi Карл Маркс
номли, Ўрта Чирчиқ районидagi
Охунбоев номи колхозларида,
шунингдек Бўстонлиқ, Янгийўл ва
Пискент районларида ҳам бўлиб
ўтди.

Бундан ташқари, лекторлардан
Х. Аскарлов, Р. Тонров, И. Илёсов,
Камолов ўртоқлар «КПСС Про-
граммаси — коммунистик жамият
қуриш программасидир», «КПСС
Программасининг халқаро аҳамия-
ти» деган темаларда қизиқарли
лекциялар ўқидилар.

М. ТУРОВА.

Колхозда райком бюросининг мажлиси

ОРЖОНИКИДЗЕ, (ЎзТАГ). Оржоникиде район партия
комитетининг бюроси ўзининг наббатдаги мажлисини
Хрущев номи колхозда ўтказди. Колхоз дав-
та пахта сотиш соҳасидаги ўз мажбуриятини қандай
бажарганлигига доир биргина масала кун тар-
тибига қўйилган эди.

Райком бюросининг аъзолари мажлис бошлангичи-
дан анча оддин далачилик бригадаларига чиқиб кетди-
лар. Улар терим ишларининг аҳволи билан таниши-
дилар. Кўпгина коммунист ва партиясиз колхозчилар бил-
ан суҳбатлашдилар. Колхознинг барча активлари маж-
лисга таклиф қилинди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси
тўғри қарор қабул қилиш, қишлоқ коммунистларининг
фаолиятини анча кучайтириш имконини берди.

Колхоз коммунистлари терим кампанияси давридаги
ўз ташкилотчилик ишларида қўлга киритган дастлаб-
ки ютуқларини райком бюроси аъзоларига айтиб бер-
дилар. Пахтакорлар йиллик плани ҳозирдаёқ 22,5

процент бажардилар. Коммунистлар шахсий меҳнатлари
билан барча колхозчиларга ишга онгли муносабатда
бўлиш намунасини кўрсатмоқдалар. Коммунистларнинг
кўчилиги кунлик нормани икки баравар ошириб ба-
жармоқда. Механизаторлар пахта теримига тўлиқ ҳо-
зирилик кўрдилар. Барча пахта терим агрегатлари далага
чиқишга тайёр. Ҳосил машинада териладиган майдон-
лар ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кенгайти-
рилди.

Райком бюроси колхоз пахта тайёрлаш суръатини
бир ярим баравар ошириб, йиллик плани КПСС XXII
съезди очиладиган кунгача бажариши мумкин, деган
хулосага келди. Колхоз коммунистлари ва барча актив-
лари бу таклифни астойдил қувватладилар. Оржоникид-
е район партия комитетининг бюроси ўзининг сайёр
мажлисларини райондаги бошқа колхозларда ҳам ўтқа-
зишни мўлжалламоқда.

